O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, баҳор ва яшариш байрамингиз муборак бўлсин!


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 8 март, № 48 (4201) Пайшанба


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март — Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу қутлуғ айёмда, авваламбор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукуҳли кунларда хонадонларимиз фариштаси, оила қўрғонининг бекаси бўлмиш, рўзғорнинг барча юки ва ташвишларини нозик елкасида беминнат кўтариб келаётган, болаларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, уйларимизга орасталик ва файз бағишлайдиган садоқатли умр йўлдошларимизни, уларнинг ҳусну латофатини ўзимиз учун бамисоли янгитдан очгандек бўламиз, уларнинг, барча опа-сингилларимиз, зебо қизларимизнинг ҳурматини бажо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8 март байрами ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало эски замонда кенг тарқалган сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанани, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада такомиллаштириш, аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Бугун қўлга киритган катта ютуқларимизни мамнуният билан эътироф этган ҳолда, мен бутун жамоатчилигимиз, биринчи галда, раҳбар ва фаолларимизнинг эътиборини муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Яъни, ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, аввалaмбор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида — бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.

Ўйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

## ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ — АМАЛДА

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда юксак суръатлар билан ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди Ислом Каримов. — Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ортганининг ўзиёқ бу фикрнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, бугунги учрашув ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикрлашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликни олий даражага кўтариш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўзаро алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик кўлами йилдан йилга кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига, кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари муштарак. Мамлакатларимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби тузилмалар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида гапирганда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтасил ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз. 2006 йили бу борадаги кўрсаткич 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Унинг салмоқли қисмини машинасозлик, ёғоч ва целлюлоза-қоғоз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилди. Хусусан, ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 минг тонна атрофида эди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиши мумкинлигини таъкидлашади. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастур таъминоти, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда "Газпром" ва "Лукойл" компанияларининг 2,5 миллиард доллардан сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда бир неча йилдан буён Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатаётгани, ўтган йили М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларни қабул қилгани бунга яхши мисолдир.

Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда.

М.Фрадков Россия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорларидан деб билишини, ташрифидан кўзланган асосий мақсад савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳадаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, юқори технологиялар соҳасида илмий-амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

### ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

## ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йил ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадковнинг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон билан Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамда сиёсий мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев билан М.Фрадков ўртасида бўлиб ўтган музокараларда мамлакатимиз вазирликлари ва етакчи иқтисодий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Музокараларда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболлари, хусусан, мамлакатларимиз ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантириш мақсадида ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Бугун авиация ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар соҳасида ўзаро фойдали алоқалар изчил ривожланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон бой энергия ресурслари захирасига, жумладан, Евроосиё минтақасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва транспортировка қилиш соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар доирасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва энергия хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Россиянинг "Газпром" ва "Лукойл" каби етакчи нефть-газ компаниялари билан ҳамкорликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётир. Бугунги кунда Россия компанияларининг Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуидаги инвестицияси миқдори қарийб 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Фан ва техника, таълим соҳасида ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири экани таъкидланди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо айланмаси жадал ўсиб бормоқда ва 2006 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди. Россия Ўзбекистонга асосан машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Музокараларда, ўз навбатида, Россиянинг Ўзбекистондан харид қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини янада кенгайтиришдан манфаатдор экани алоҳида таъкидланди. Бугун мамлакатимиз Россия Федерациясига машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

Музокараларда коинотни ўзлаштириш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир масалалар ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон бугунги кунда катта илмий-тадқиқот салоҳиятига эга. Жумладан, республикамизда МДҲ ҳудудида энг йирик астрономия обсерваториялари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва жаҳон фундаментал илм-фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини берадиган ноёб аэрокосмик ускуналар самарали ишлаб турибди. Музокараларда Ўзбекистон ва Россия олимларининг имкониятларини бирлаштириш ҳар икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон-Россия музокаралари якунлари бўйича авиасозлик соҳасида ҳукуматлараро битим имзоланди.

* * *

Шу куни Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси М.Фрадков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

М.Фрадков музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, озодлигимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Юқори мартабали меҳмон Олий Мажлис Сенати биносини кўздан кечирди.

М.Фрадков оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказган музокаралари натижалари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Мамлакатларимиз Президентлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, — деди М.Фрадков. — Мазкур музокаралар чоғида мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган кўп томонлама шериклик, стратегик ва иттифоқчилик алоқаларини ривожлантиришдан, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мен Тошкентга бундан 10 йил аввал келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада гўзаллашиб кетганига гувоҳ бўлдим. Мени айниқса шаҳар маркази, унинг кенг майдон ва кўчалари ҳайратга солди.

**Анна ИВАНОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

***Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.***

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март – Хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.



Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).




# ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўплангани эътиборга моликдир.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Улбосин Оринбоева, Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи талабаси Зебунисо Муродова, шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар жарроҳлиги касалхонаси бош шифокори Моҳиба Обидова, Сергели тумани Жомий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Ҳайдарова юртимизда хотин-қизларни, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбирга файз бахш этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Муҳаммад АМИН олган суратлар.

Ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кўтаринкилик билан нишонлаймиз. Хонадон бошлиқлари бўлган эркаклар оналари, аёли, опа-сингиллари, қизлари ва набираларига нима совға этмоқ ҳақида бош қотирадилар. Аслида уларнинг меҳр-муҳаббатлари аёллар учун энг ноёб ва қимматли совғадир..



## Хизматингиздамиз!

"Ўзбек халқи байрамлари" китобида ёзилишича, қадим-қадимда ҳам хотин-қизлар билан боғлиқ айёмлар мавжуд бўлган экан. Улардан бири исфандармўз ойининг 5-кунида нишонланиб, "рўзи исфандармўз" деб номланган. Ўша куни оиладаги барча хотин-қизлар уй-рўзғор юмушларидан озод этилиб, фақат ўзларига оро бериш билан банд бўлганлар. Бу ҳақда Беруний "Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар", — деб ёзади. Исфандармўз сўзи "ақл" ва "мулоҳаза" деган маънони англатади.



## *Онажон!..*

*Бир оғиз сўзимга интиқ фариштам,*
*Кечириб ўрганган гуноҳларимни.*
*Мен эса минг битта баҳона билан*
*Дастурхон қиламан дард-оҳларимни...*

*Азизам, ягонам, муштипар бахтим -*
*Кўнглимнинг тахтида бебаҳо Онам,*
*Беминнат оналар дуоси билан*
*Шунчалар мунаввар бу ёруғ олам!..*

**Меҳринисо ОЙДИНОВА.**

## ТУҲФА

Хотин-қизлар байрами муносабати билан қашқадарёлик бир гуруҳ илғор фермер ва тадбиркор аёллар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ёш ва намунали оилалар вакилларининг Қарши шаҳрида барпо этилган янги иншоотлар, қайта тикланган тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларга саёҳати уюштирилди.

— Мазкур тадбирда вилоятнинг барча туманларидан таклиф этилган беш юздан зиёд хотин-қиз иштирок этди, — дейди Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова. — Мақсад аёлларимизни, айниқса рўзғор юмушлари ва фарзанд тарбияси билан банд уй бекаларини Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги тантаналарига тайёргарлик доирасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан таништириш, опа-сингилларимизни ўйлантираётган муаммолар хусусида дилдан суҳбатлашиш, уларни ҳал этиш юзасидан фикрлашиб олишдан иборат.

Байрам арафасида юз билан юзлашган табаррук онахонлар, ногирон ва хаста аёллар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, байрам олдидан совға-саломлар тарқатилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## *Фарзандлар қутлови*

*Азиз ойижоним!*

*Оқ сутингиз билан Она Ватанимга муҳаббатни, халқимизга садоқатни, инсонларга ҳурмат-эҳтиромни юрагимга жо қилган меҳрибоним!*

*Отажоним касбига меҳр қўйдирган ҳам, ўқитувчилик касби туфайли Ватан ардоғида, элнинг эъзозида бўлишимни Аллоҳдан минг бора тилаган ҳам Ўзингиз!*

*Бахтли ҳаётимга замин ҳозирлаб, зиёли бир хонадоннинг эъзозли келини, суюкли рафиқа, бахтиёр она, меҳрибон қайнона, севимли бувижон даражасига етказган ҳам Ўзингиз!*

*Мен Сизнинг фарзандингиз, Ўзбекистоним дилбанди эканлигим билан жуда-жуда фахрланаман! Илму-зиёли, ҳунарли, тадбиркор, дунёқараши кенг аёлларимиз борлигидан ҳаётимиз чароғон! Одобли, ҳаё-иболи меҳнатсевар қизларимиз билан уйларимиз нурафшон! Ойижоним, менинг жону-жаҳоним! Мен Сизни ва барча Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март билан чин қалбимдан самимий табриклайман!*

*Яратгандан Сизларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб қоламан.*

**Сизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қизингиз,**
**Анора МАҲМУДОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**



## БАЙРАМ ТАДБИРИ

**Навоийда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб байрам тадбири ўтказилди. Тантанали маросимга вилоятнинг шаҳар ва туманларида турли соҳаларда меҳнат қилиб келаётган хотин-қизлар таклиф этилди.**

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла-тўкис намоён эта олишлари учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Раъно Валиева, Қонунчилик палатаси депутати Матлуба Бурҳонова, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори ўринбосари Григорий Кострица, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими бошлиғи Бақо Саидов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Жаҳонгир Саримсоқов ва бошқалар мамлакатимиз тараққиётида хотин-қизлар алоҳида ўрин тутишини таъкидладилар.

Тантанали маросимда бир гуруҳ илғор хотин-қизларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## *Фарзандлар қутлови*

*Меҳри дарё Онажоним!*

*Сизни диёримиз узра баҳор эпкинлари эсаётган бир пайтда баҳорнинг илк айёми — 8 март хотин-қизларнинг меҳр-муҳаббат, нафосат байрами билан қутлаб, эзгу-тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.*

*Онажон, беқиёс меҳрингиз билан барчамизни оқ ювиб, оқ тараб, олижаноб инсоний туйғуларни қалбимизга жо этиб вояга етказдингиз. Сизга Яратгандан узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик ва сиҳат-саломатлик ато этишини, толеингизни баланд, насибангизни янада улуғ қилишини, фарзандларингиз, набира-абираларингизнинг бахти камолини кўриб юришни насиб айлашини сўраб қоламан.*

**Ботиржон АБДУРАИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Шаҳзодага аталган гуллар



*Ўз касбининг фидойилари ҳақида сўз кетганда янгиқўрғонликлар туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси Шаҳзода Эрназаровани алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Негаки, у қўли енгил шифокор бўлиши билан бир қаторда вилоятдаги тиббиёт ходимлари ўртасида ўтказиладиган тадбирларда муваффақиятли қатнашиб келади.*

*— Шифохонамизда беморларнинг даволанишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди ҳамшира Шаҳзода Эрназарова. — Биздан фақат ўз касбимизга фидойилик, беморларга нисбатан ширинсухан бўлиш талаб этилади. Зеро, ширин муомала ҳам ярим муолажадир.*

*Баҳор байрами арафасида Шаҳзоданинг қучоғи гулларга тўлди. Бу дўстлари, яқинлари ва беморларнинг унга эҳтироми рамзидир.*

**Суратда: ҳамшира Шаҳзода Эрназарова.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



*Вафо дарахти! Бу дарахтнинг меваси-да ғоят гўзал, ғоят тотли. Унинг меваси Садоқат, Саодат. Унинг меваси бизнинг бахтиёр кунларимиз, рўзғоримиз тинчи, фарзандларимиз бахти. Қолаверса, юртимиз тинчлиги, фаровонлиги, қизларимиз сулувлигию ўғлонларимиз кўнглининг осмонлиги шундан.*

*Бу дарахтнинг бўйи юксак тоғлардан-да юксак, танидан оқаётган ҳаёт шарбати булоқ сувидан-да зилол, япроқлари баҳор осмони каби мусаффо, беғубор.*

*Мен бу дарахтларни хаёлимда ўстираман, уларга рўбарў келганимда таъзим этаман. Бир достон тўқигим келаверади. Вафо дарахтлари ҳақидаги достонлар. Агар кимки, ҳаётда Вафо дарахти йўқ деса, янглишади.*

## ВАФО ДАРАХТИ

Менгишой Одоқжонбўз қишлоғининг манаман деган дангал, жасур, танти кишиси Эргаш аканинг тўнғич қизи эди. Тўнғич фарзанд дегани сал эрка, сал тантиқ бўлади. Менгишой тантиқ эмасди-ю, сал эркалиги бор эди. Шу баробарида сарвқомат, қопқора сочлари тақимини ўпадиган, юзларида ой жилоси аксланадиган сулувлиги ҳам бор эди.

Менгишой ўн беш ёшга кирганда ёзнинг илк кунларидан бирида юраги қафасдан очиққа чиқмоқни истаган кабутардек патирлаб қолди, вужудида билинар-билинмас ўт ёнди. Тун бўйи осмондаги юлдузларга боқиб ётди. Дунё ажиб нурга, юлдузлар жилосига тўлгандан тўлиб борарди. Борлиқни гуллар ифори тутганди. Менгишой бунинг сабабини биларди.

Бугун кўча бўйлаб бораркан, Тошкентда ўқийдиган Қулмуроджонга рўбарў бўлиб ўтганди. Ўшанда кўзлар кўзлар ила учрашди. Диллар бўйлаб бир нур жилва солиб ўтди. Шундай бўлса-да, қиз йигитга сир бермади. Лекин юрагида бир чашма кўз очганини ҳис қилди.

Бирор ҳафта ўтиб уларнинг уйига совчилар келишди. Орадан бир йил ўтиб, тўйлари бўлди. Қулмуроджон Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва мелиорациялаш институтини тугаллаб, Қарши чўлини ўзлаштиришга юборилди. Кўп ўтмай меҳнатсеварлиги, билими, одамлар билан ишлай олиш сингари фазилатларга эга бўлган ёш мутахассисни хўжалик раҳбари, Нишон туманидаги эмас, вилоятда ҳам қишлоқ хўжалиги билимдони сифатида танилган Ҳайитмурод Фармонов илғаб, уни бош муҳандис этиб тайинлашди.

Менгишой ҳам эри билан чўлга келди. Чўл дегани жаннат эмас. Эндигина ўзлаштирилаётган дала-дашт, биёбон. Бир бошланса атрофни қуму чангга кўмиб ташлайдиган шамоллар, тишларда ғижирлайдиган қум, нафас олганда ўпкага ҳаво билан кирадиган шўртак таъм. Қум тўфонлари вагон уйлар деразаларини ҳам назар-писанд қилмай, кўрпага қадар ўрлаб келаверади. Коса-товоқ, қозону чўмичга ҳам бир ҳовуч қум ташлаб кетади. Кечагина яшнаб турган гул, эрта баҳорда қадалган ниҳол қовжираб қолади.

Орадан йиллар ўтиб, чўл бағрида шаҳарчалар қад тиклади. Оловли гармселлар ўрнига баҳор насимидек тотли эпкинлар эсадиган бўлди. Бу эпкинларда ғўзалар эркаланиб чайқаларди. Хўжалик тумандагина эмас, вилоятда ҳам пахта хирмонлари билан донг таратди. Шунинг учун бўлса керак, ўша йиллари Кўкдала тумани ташкил этилганда Ҳайитмурод Фармонов туман раҳбарлигига юборилди. Қулмуроджонни бирга олиб кетди. У туман хўжалиги техникалари корхонаси бошлиғи бўлиб ишлай бошлади.

Яна чўл. Кўкдала даштлари-ю Чиял чўлларининг ўзига хос машаққатлари. Янги туманнинг бетиним заҳматлари...

Бир куни Менгишой ярим тунда қайтган эрининг юзидаги нохушликни илғаб, юраги шувиллаб кетди.

— Дадаси, нима бўлди сизга?

— Мен рак бўлибман...

Қулмуроджоннинг Тошкентдаги номдор шифохоналарда даволаниши ҳам бесамар кетди. У ҳаётдан кўз юмганида қишлоқ фельдшери Келдиёр бир хавотир билан Менгишойни кузатди: «Ишқилиб ақлдан озмасин-да».

Менгишой қабристонга тез-тез борар, ўзининг ҳам эри қабрига сингиб, тупроққа айланиб кетгиси келарди. Ана шундай кунларнинг бирида фарзандларига разм солди. Тўрт ёшли Баҳодиржони, бир-биридан ширин беш нафар қизига эрининг вафотидан кейин дурустроқ қарамабди ҳам. Матлубанинг сочлари патила-патила, Ҳуснораниng кўйлаги кир-чир, Муҳайёнинг юзи шўрлаган. Ана шунда аёл бирдан ўзига келди. Кетмон кўтариб далага чиқди. Даладагилар тушликка чиққан пайтда мактабнинг синфхоналарини тозалади. Кимларнингдир назарида кечагина бойвучча бўлган аёл тунлари болалари уйқуга кетганда сабзи-пиёз, помидор суғорди.

Йиллар шу тарзда ўтаверди. Дастлаб тўнғичини, кетидан иккинчи ва учинчи қизини турмушга узатди. Яқинда қишлоққа яна тўй берди. Оппоқ либосларга бурканиб хонадонига кириб келган келинини бағрига босди. Пешонасидан қайта-қайта ўпди. Келини ҳам, куёвлик сарпосидаги Баҳодиржон ҳам унинг пойига тиз чўкдилар. Бу Менгишойнинг 22 йил чеккан заҳматларига мукофот эди.

Умр дарёси шиддат билан оқмоқда. Умр чаманлари турфа рангларда товланиб, ифори билан ҳаётимизни тўлдиради. Менгишойлар Вафо дарахтига ўхшайди. Яхшиямки, бундай дарахтлар ҳар биримизнинг хонадонимизда бор. Улар умримизни безатиб-яшнатиб турибди.

**Абдулла БОБОЁРОВ.**


Saniplast

**«САНИПЛАСТ»** Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

**Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.**



*Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.*

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.**

